

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 16 (1195) 2019 йил 18 апрель

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank\_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



КЎРГАЗМА

## “BankExpo-2019”: имкониятлар майдони



11 йилдирки, юртимизда “BankExpo” кўргазмасини ўтказиш анъана тусига кирган. Яқинда пойтахтимизнинг “Ўзэкспормарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан ташкил этилган “BankExpo-2019” кўргазмаси эса ҳар йилгидан кўра қизиқарли ва сермаҳсул кечди. Чунки охириги йилларда банк тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар ҳамда улар орасида соф рақобат муҳитининг шаклланаётгани банкларнинг тез суръатларда ривожланишига туртки

бўлмоқда. Бу ўзгаришлар мазкур кўргазмада янада яққол намоён бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш жойизки, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори банк хизматлари ривожини учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки қарор доирасида бир йил давомида тижорат банклари томонидан тизимга инновацион ва янги хизматларни жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур

кўргазма банкларга ана шу янгилекларни аҳоли ва тадбиркорларга, хорижий инвесторга тўла намоён этиш имконини берди.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг кўргазма ҳамкори сифатида иштирок этгани банкнинг салоҳияти янада ўсиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, “Трастбанк” ўтган давр мобайнида кўплаб ютуқларга эришиб, халқаро молия муассасаларининг эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда.

(Давоми 4-5-саҳифаларда)

## Ёшларга муносиб тўхфа



Айни кунда мамлакатимизда ёшларни китобхонликка жалб этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар эътирофга лойиқдир.

Яқинда ана шундай хайрли тадбир Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 29-умумтаълим ўрта мактабида бўлиб ўтди. Унда мактабнинг собиқ ўқувчиси ХАТБ “Hi-Tech Bank” Бошқаруви раиси Бахтиёржон Сатторов мактаб ёшлари билан учрашиб, уларга келгусида ҳаётларида улкан муваффақиятлар тилаб, мактаб кутубхонасига юздан ортиқ бадиий ва болалар китобларини совға қилди.

УШБУ СОНДА

ФАРОВОНЛИККА  
ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН  
САРМОЯЛАР

ЭКСПОРТНИ  
ОШИРИШ  
МУМКИН БИРОҚ...



НУРҚАШҚА



6

6

8

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

8–10 апрель кунлари Тошкентда халқаро ADWEEK конференцияси бўлиб ўтди. ADWEEK – Ўзбекистондаги маркетинг ва реклама йўналишлари бўйича ўтказиладиган кенг қўламли йиллик тадбир бўлиб, халқаро экспертлар билан мулоқот қилиш ва амалий билимлар эгалланадиган майдондир.

Иштирокчилар анжуман давомида замонавий маркетинг ва реклама соҳаси доирасида ўз бизнесларини ривожлантириш учун қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, инновацион ғоялар билан ўртоқлашдилар.

\*\*\*

Наманган вилояти ҳокимлигида “HYUNDAI MOTOR UZ NAMANGAN” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома “Evergreen Motors” компанияси президенти Ким Чанг Кенонга тантанали топширилди.

Корхонанинг дастлабки маҳсулоти 2019 йилнинг сентябрь ойида конвейердан чиқади.

\*\*\*

9 апрель куни Ипотека-банк АТИБ Бошқарувининг биринчи чорак ақунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда банк томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

\*\*\*

15 апрель куни Тошкентда “Orient Secrets” масъулияти чекланган жамияти “Workshop” дея номланган туристик тадбирни ўтказди. Хорижий турфирма ва меҳмонхоналар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Россия, Индонезия, Туркия, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликларининг туризм соҳаси вакиллари иштирок этди.

\*\*\*

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги автобус қатновлари сони яна биттага кўпайди: янги Самарқанд – Туркистон халқаро автобус қатнови ишга тушди. Йўналиш “Олтин Ўрда” автовокзалидан “Самарқанд” автовокзалигача қатнайди. Чимкент, Гулистан ва Жиззах шаҳарларида тўхташ жойлари бор. Ушбу йўналишнинг очилиши ҳар икки мамлакатда сайёҳлар оқими ошишига ёрдам беради.

\*\*\*

Олий таълим тизимида Ислом тараққиёт банки инвестиция маблағлари ҳисобида амалга оширилаётган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш” лойиҳаси фаолиятини бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 60,5 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиб, бунда Ислом тараққиёт банки маблағлари 47,72 миллион АҚШ доллари ва Ўзбекистон Республикаси улуши 12,81 миллион АҚШ доллари ташкил қилади.

Лойиҳанинг асосий мақсади республика миқёсида 50 та ОТМни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашдан иборат.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



# “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами : ЎЗР МБнинг 2017 йил 21 октябрдаги 48-сонли лицензияси  
Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4.

**МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ**  
2018 ва 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

**Фойда ва зарар тўғрисидаги йиғма ҳисобот**  
2018 ва 2017 йиллар учун (минг сўмда)

| N          | Моддалар  | 2018 йил             | 2017 йил             |
|------------|---|----------------------|----------------------|
|            | <b>Активлар</b>   |                      |                      |
| 010        | Нақд пуллар   | 614 960 451          | 576 682 699          |
| 020        | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олиниши лозим бўлган суммалар                      | 71 069 878           | 256 737 911          |
| 030        | "Банкинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган суммалари"                                     | 75 680 153           | 33 558 189           |
| 040        | Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар - савдо                                      |                      |                      |
| 041        | - Носавдо   |                      |                      |
| 042        | Фойда ёки зарардан келиб чиқиб адолатли қийматда баҳоланган молиявий активлар               | 2 035 793            |                      |
| 050        | Ҳосила молиявий воситалар   |                      |                      |
| 060        | Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар   |                      | 1 305 525            |
| 061        | - сундирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар  |                      | 3 105 863            |
|            | - шўъба корхоналарга  | 26 209 207           | 6 668 841            |
| 070        | Тескари РЕПО  |                      |                      |
| 080        | Мижозлар кредитлар ва бунақлар :  | 4 756 700 483        | 1 622 284 562        |
| 081        | Манфий: эҳтимолий зарарларни қоплаш захираси  | (14 642 082)         | (14 526 018)         |
| 082        | Соф кредитлар ва бунақлар   | 4 742 058 401        | 1 607 758 544        |
| 101        | Қўшма корхоналарга инвестициялар  |                      |                      |
| 110        | Гудвил  |                      |                      |
| 120        | Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)  | 103 972 794          | 58 859 020           |
| 130        | Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)   | 3 120 748            | 1 067 272            |
| 140        | Бошқа хусусий мулк  |                      |                      |
| 150        | Солиқ талаблари   | 9 909 993            | 11 165 261           |
| 160        | Бошқа активлар  | 20 659 940           | 23 003 814           |
| <b>170</b> | <b>ЖАМИ: Активлар</b>   | <b>5 669 677 358</b> | <b>2 579 912 939</b> |
|            | <b>Мажбуриятлар</b>   |                      |                      |
|            | Депозитлар  |                      |                      |
| 181        | Талаб қилиб олингунча сақланадиган  | 1 080 455 901        | 1 321 863 543        |
| 182        | Жамгарма  | 231 859 043          | 239 884 578          |
| 183        | Муддатли  | 2 229 051 126        | 385 470 577          |
|            | Бошқа депозитлар  |                      |                      |
| 184        | Депозитли сертификатлар   |                      |                      |
| 185        | Ҳукумат ҳисобварақлари  |                      |                      |
| <b>190</b> | <b>Жами: депозитлар</b>   | <b>3 541 366 070</b> | <b>1 947 218 698</b> |
| 200        | Марказий банкга тўланиши лозим бўлган суммалар  |                      |                      |
| 210        | Ҳукуматга тўланиши лозим бўлган суммалар  |                      |                      |
| 220        | Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар  | 743 695 911          | 203 644 941          |
| 230        | РЕПО ва бошқа қарз воситалар  | 225 213 664          | 38 571 107           |
| 240        | Ҳосила молиявий воситалар   |                      |                      |
| 250        | Солиқ мажбуриятлари   |                      |                      |
| 260        | Бошқа мажбуриятлар  | 36 043 447           | 16 241 859           |
| 261        | Сотиш учун мўлжалланган ҳамда чиқариб юбориладиган гуруҳ билан бевосита боғлиқ мажбуриятлар |                      |                      |
| 270        | Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар   |                      |                      |
| <b>280</b> | <b>Жами: мажбуриятлар</b>   | <b>4 546 319 092</b> | <b>2 205 676 605</b> |
|            | <b>Хусусий капитал</b>  |                      |                      |
| 300        | Оддий акциялар  | 883 754 170          | 238 322 570          |
| 310        | Имтиёзли акциялар   | 2 252 886            | 2 252 886            |
| 320        | Эмиссион даромад  | 3 912 342            | 3 912 342            |
| <b>330</b> | <b>Жами: акциядорлик капитали</b>   | <b>889 919 398</b>   | <b>244 487 798</b>   |
| 340        | Инвестицияларни қайта баҳолаш бўйича захиралар - сотиш учун мўлжалланган                    |                      |                      |
| 350        | Таксимланмаган фойда (тўланган тақчиллик )  | 232 951 365          | 129 748 536          |
| 351        | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши  | 487 503              |                      |
| <b>360</b> | <b>Жами: хусусий капитал</b>  | <b>1 123 358 266</b> | <b>374 236 334</b>   |
| <b>370</b> | <b>ЖАМИ: Мажбуриятлар ва хусусий капитал</b>  | <b>5 669 677 358</b> | <b>2 579 912 939</b> |

| N          | Моддалар   | 2018 йил             | 2017 йил             |
|------------|--|----------------------|----------------------|
|            | <b>Фойда даромад</b>   |                      |                      |
| 011        | Кредитлар бўйича фойда даромад   | 476 285 151          | 169 998 046          |
| 012        | "ЎЗР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фойда даромадлар"                                    | 5 746 068            | 3 216 740            |
| 013        | олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фойда даромад - савдо                            |                      |                      |
| 014        | Олди - сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фойда даромад - носавдо                        |                      |                      |
| 015        | Сотиш учун мўлжалланган мавжуд инвестициялар бўйича фойда даромад                                      |                      |                      |
| 016        | Сундирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар бўйича фойда даромад                                     |                      |                      |
| 017        | Тескари РЕПО битимлари бўйича фойда даромад  |                      |                      |
| 018        | Молиявий ижара бўйича фойда даромад  |                      |                      |
| 019        | Бошқа фойда даромадлар   | 9 033 713            | 5 885 391            |
| <b>020</b> | <b>Жами: фойда даромадлар</b>  | <b>491 064 932</b>   | <b>179 100 177</b>   |
|            | <b>Фойда харажатлар</b>  |                      |                      |
| 031        | "Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фойда харажатлар"                                | (356 686)            | (1 565 755)          |
| 032        | Жамгарма депозитлар бўйича фойда харажатлар  | (13 829 293)         | (14 755 266)         |
| 033        | Муддатли депозитлар бўйича фойда харажатлар  | (122 776 752)        | (43 191 850)         |
| 034        | Депозитли сертификатлар бўйича фойда харажатлар  |                      |                      |
| 035        | Ҳукумат ҳисобварақлари бўйича фойда харажатлар   |                      |                      |
| 036        | ЎЗРМБ ҳисобварақлари бўйича фойда харажатлар   |                      |                      |
| 037        | "Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича фойда харажатлар"                          | (64 016 644)         | (19 992 020)         |
| 038        | Бошқа қарз маблағлари бўйича фойда харажатлар  | (3 679 153)          | (1 288 204)          |
| 039        | Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича фойда харажатлар  |                      |                      |
| 040        | РЕПО битимлари бўйича фойда харажатлар   |                      |                      |
| 041        | Бошқа фойда харажатлар   |                      |                      |
| <b>050</b> | <b>Жами: фойда харажатлар</b>  | <b>(204 658 528)</b> | <b>(80 793 095)</b>  |
| <b>060</b> | <b>Соф фойда даромад</b>   | <b>286 406 404</b>   | <b>98 307 082</b>    |
| 070        | "Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш"   | (10 374 018)         | (6 137 711)          |
| <b>080</b> | <b>"Захирана баҳолаш чиқарилгандан сўнг қоладиган соф фойда даромад"</b>                               | <b>276 032 386</b>   | <b>92 169 371</b>    |
|            | Фойдасиз даромад   |                      |                      |
| 091        | Хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар   | 100 111 154          | 76 082 341           |
| 092        | (Хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар)  | (35 807 533)         | (21 934 891)         |
| 093        | Савдо операцияларидан олинган фойда (зарар)  | (8 062 761)          | 59 792 167           |
| 094        | Валютали операциялардан олинган фойда (зарар)  | 27 480               | (21 422 120)         |
| 095        | Дивидендлар кўринишидаги даромадлар  |                      |                      |
| 096        | Инвестициялардан олинган фойда (зарар)   | 234 311              | 1 615 236            |
| 097        | Фойда ёки зарардан келиб чиқиб адолатли қийматда баҳоланган молиявий воситалардан қилинган соф харажат | (321 027)            |                      |
| 099        | Бошқа операциялар даромадлар   | 16 486 091           | 10 636 762           |
| <b>100</b> | <b>Жами: фойдасиз даромадлар</b>   | <b>72 667 715</b>    | <b>104 769 495</b>   |
|            | <b>Операцион харажатлар</b>  |                      |                      |
| 111        | Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар  | (101 870 037)        | (69 087 409)         |
| 112        | Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар   | (27 088 710)         | (15 564 905)         |
| 113        | Қўриқлаш хизмати учун сарфланган харажатлар  | (4 853 487)          | (3 949 341)          |
| 114        | Асосий воситаларнинг эскириши  | (8 651 164)          | (6 578 675)          |
| 115        | Хайрия харажатлари   | (35 989 526)         | (10 250 998)         |
| 116        | Канцелярия маҳсулотлари  | (6 164 737)          | (2 898 658)          |
| 117        | Таъмирлаш ва таъминот харажатлари  | (3 153 847)          | (1 836 484)          |
| 118        | Бошқа операция харажатлар  | (15 350 209)         | (12 023 234)         |
| <b>120</b> | <b>Жами: операцион харажатлар</b>  | <b>(203 121 717)</b> | <b>(122 189 704)</b> |
| <b>130</b> | <b>"Даромад (фойда) солиғи тўлангунча қадар соф фойда (зарар)"</b>                                     | <b>145 578 384</b>   | <b>74 749 162</b>    |
| 140        | Даромад (фойда) солиғини баҳолаш   | (30 759 061)         | (9 642 115)          |
| <b>150</b> | <b>Соф фойда</b>   | <b>114 819 323</b>   | <b>65 107 047</b>    |
| 151        | Бошқа умумий даромад   |                      |                      |
| <b>152</b> | <b>Жами умумий даромад</b>   | <b>114 819 323</b>   | <b>65 107 047</b>    |
| <b>153</b> | <b>Фойда, қуйидагиларга тегишли:</b>   |                      |                      |
|            | Банк акциядорларига  | 115 321 820          | 65 107 047           |
|            | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улушига   | (502 497)            |                      |
| 154        | Ҳисобот давридаги фойда  | 114 819 323          | 65 107 047           |
| <b>155</b> | <b>Жами умумий даромад, қуйидагиларга тегишли:</b>   |                      |                      |
|            | Банк акциядорларига  | 115 321 820          | 65 107 047           |
|            | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улушига   | (502 497)            |                      |
| <b>156</b> | <b>Ҳисобот давридаги жами умумий йиллик даромад</b>  | <b>114 819 323</b>   | <b>65 107 047</b>    |
| 160        | Оддий акцияларга тўғри келадиган базавий ва таянч фойда, сўмда   | 28                   | 55                   |
| 170        | Имтиёзли акцияларга тўғри келадиган базавий ва таянч фойда, сўмда                                      | 37                   | 77                   |



# “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки

МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2018 ва 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| N   | Моддалар   | 2018 йил             | 2017 йил             |     |   |                                |
|-----|--|----------------------|----------------------|-----|---|--------------------------------|
|     | <b>Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>  |                      |                      | 183 | "Шўъба, тобе ҳўжалик юритувчи жамиятлар ва кўшма корхоналарни сотиб олиш, олинган пул маблағлари чегириб ташланганда" | (17 630 000)                   |
| 020 | Олинган фоизлар  | 484 492 680          | 177 946 308          |     |   |                                |
| 030 | Тўланган фоизлар   | (203 706 935)        | (80 631 232)         |     |   | 3 514 996                      |
| 040 | "Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган пул маблағлари"                                  | 107 174 029          | 63 476 103           |     |   |                                |
| 050 | Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган пул маблағлари                                   | (35 807 533)         | (21 934 891)         | 185 | "Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ мuddатли активларни сотиб олиш"                                    | (89 064 350) (7 717 493)       |
| 070 | Дилинг операциялари бўйича реализация қилинган фойда (зарар)   | (8 062 761)          | 59 792 167           | 186 | "Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ мuddатли активларни сотиш"   | 34 268 438 7 894 575           |
| 100 | Бошқа операцион даромадлар   | 15 222 467           | 8 437 026            | 187 | Шўъба корхоналарнинг реализациясидан тушган тушум, тўланган пул маблағлари чегириб ташланганда                        |                                |
| 100 | "Маҳсулот етказиб берувчилар ва ишчиларга тўланган пул маблағлари"                                       | (184 880 619)        | (104 688 123)        | 188 | Тобе компаниялардан олинган даромад   |                                |
| 120 | Тўланган даромад (фойда) солиғи  | (29 503 793)         | (15 538 214)         | 200 | "Инвестицион фаолиятдан келган соф пул маблағлари"  | (68 700 893) 5 421 838         |
| 140 | <b>Операцион активлар ва мажбуриятларда ўзгаришлар бўлгунча операцион фаолиятдан келган пул оқимлари</b> | <b>144 927 535</b>   | <b>86 859 144</b>    |     | Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари   |                                |
| 150 | Операцион активларнинг соф (кўпайиши) камайиши:  | 137 552 434          | 54 260 974           | 290 | "Қарз воситалари ва қарз қимматли қоғозлардан тушумлар"   | 201 865 887 20 833 358         |
| 151 | "Банкларга кредитлар ва бўнакларнинг соф (кўпайиши) камайиши"  | (3 153 761 997)      | (505 029 956)        | 300 | "Қарз маблағлар ва қарз қимматли қоғозлар бўйича тўловлар"  | (8 050 000) (10 908 148)       |
| 152 | "Мижозларга кредитлар ва бўнакларнинг соф (кўпайиши) камайиши"   | (475 000)            |                      | 310 | Молиявий ижара бўйича тўловлар  |                                |
| 153 | Бошқа активлардаги соф кўпайиш   | (5 455 905)          | 6 779 568            | 320 | Акциялар чиқариш  | 645 431 600 121 110 000        |
| 160 | Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши) камайиши:  |                      |                      | 321 | Акциялар эмиссияси ва бошқа улушли воситалар  | 990 000                        |
| 161 | Депозитларнинг соф кўпайиши  | 1 628 901 261        | 373 596 801          | 330 | Пулли дивидендларини тўлаш  | (19 345 596) (8 939 745)       |
| 162 | Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган ҳисобварақлар бўйича соф (кўпайиши) камайиш                        | 540 696 465          | (76 554 823)         | 340 | Ўз акцияларини қайта сотиб олиш   |                                |
| 163 | Бошқа мажбуриятлар бўйича соф (кўпайиш) камайиш  | 5 575 643            | (58 729 720)         | 340 | Пулли дивидендларини тўлаш  |                                |
| 170 | <b>Операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари</b>   | <b>(702 039 564)</b> | <b>(118 818 012)</b> | 370 | Молиявий фаолиятга инфляциянинг таъсири   |                                |
|     | "Инвестицион фаолиятдан келган пул оқимлари"   |                      |                      | 380 | <b>Молиявий фаолиятдан тушган соф пул маблағлари</b>  | <b>820 891 891</b> 122 095 465 |
| 180 | Олинган дивидендлар  | 725 019              | 768 798              | 390 | Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига валюта айирбўшлаш курсидаги ўзгаришларнинг таъсири                        | (11 873 682) 341 969 511       |
| 181 | "Қимматли қоғозларни сотиб олиш, операцион фаолият сифатида таснифланганларидан ташқари"                 |                      | (1 306 058)          | 410 | "Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)"   | 38 277 752 350 668 802         |
| 182 | Қимматли қоғозларни сотиш, операцион фаолият сифатида таснифланганлардан ташқари                         | 3 000 000            | 2 267 020            | 420 | "Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари"   | 576 682 699 226 013 897        |
|     | Қимматли қоғозлар бўйича олинган дивидендлар   |                      |                      | 430 | "Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари"  | 614 960 451 576 682 699        |

## АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2018 ва 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| N   |  | Устав капитали     | Кўшилган капитал | Қайта сотиб олинган ўз акциялари | Жами: акциядорлик капитали | Сотиш учун мўлжалланган мавжуд қимматли қоғозларни қайта баҳолаш жамғармаси | Тақсимланмаган фойда | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши | Жами хусусий капитал |
|-----|--|--------------------|------------------|----------------------------------|----------------------------|---|----------------------|--|----------------------|
| 010 | Ўтган йилдан аввалги йилнинг 1 январига кўра қолдиқ - қайта ҳисоблашга қадар   | 119 465 455        | 3 912 343        | -                                | 123 377 798                | -   | 73 581 234           |  | 196 959 032          |
| 020 | Ҳисобот даврида юзага келган:  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 030 | Соф фойда  |                    |                  |                                  |                            |   | 65 107 047           |  | 65 107 047           |
| 040 | Бошқа умумий даромад   |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 070 | Оддий акциялар бўйича йиллик дивидендлар, ундан аввалги йилги  |                    |                  |                                  |                            |   | (8 504 145)          |  | (8 504 145)          |
| 080 | Имтиёзли акциялар бўйича йиллик дивидендлар, ундан аввалги йилги   |                    |                  |                                  |                            |   | (435 600)            |  | (435 600)            |
| 090 | Қайта сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 100 | Дивидендларнинг капиталлашуви  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 110 | Чиқарилган акциялар  | 121 110 000        |                  |                                  | 121 110 000                |   |                      |  | 121 110 000          |
| 120 | Имтиёзли акцияларнинг қийматини келтириб чиқарувчи ўзгаришлар  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 150 | <b>Жами: жорий йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ</b>   | <b>240 575 455</b> | <b>3 912 343</b> | <b>-</b>                         | <b>244 487 798</b>         | <b>-</b>  | <b>129 748 536</b>   |  | <b>374 236 334</b>   |
|     | 9 сонли МСФОнинг қабул қилиниши: солиқ чегириб ташланганда кредитдан кўриладиган эҳтимоллий зарарларни қайта баҳолаш |                    |                  |                                  |                            |   | 7 226 605            |  | 7 226 605            |
|     | 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра тахрир киритилган қолдиқ   | 240 575 455        | 3 912 343        |                                  | 244 487 798                |   | 136 975 141          |  | 381 462 939          |
| 160 | Ҳисобот даврида юзага келган:  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 170 | Соф фойда  |                    |                  |                                  |                            |   | 115 321 820          | (502 497)                              | 114 819 323          |
| 180 | Бошқа умумий даромад   |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 190 | Оддий акциялар бўйича дивидендлар, ундан аввалги йил учун  |                    |                  |                                  |                            |   | (18 909 996)         |  | (18 909 996)         |
| 200 | Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар, ундан аввалги йил учун   |                    |                  |                                  |                            |   | (435 600)            |  | (435 600)            |
| 210 | Қайта сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 220 | Дивидендларнинг капиталлашуви  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 230 | Чиқарилган акциялар  | 645 431 600        |                  |                                  | 645 431 600                |   |                      |  | 645 431 600          |
| 240 | Имтиёзли акцияларнинг қийматини келтириб чиқарувчи ўзгаришлар  |                    |                  |                                  |                            |   |                      |  |                      |
| 241 | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улушга эга шўъба корхоналар   |                    |                  |                                  |                            |   |                      | 990 000                                | 990 000              |
| 250 | <b>Жорий йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ</b>   | <b>886 007 055</b> | <b>3 912 343</b> | <b>-</b>                         | <b>889 919 398</b>         | <b>-</b>  | <b>232 951 365</b>   | <b>487 503</b>                         | <b>1 123 358 266</b> |

"Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "ПрайсвотерхаусКуперс" МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги АФ № 00492-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юрида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси бор".

Хизматлар лицензияланган:



# “BankExpo-2019”: имкониятлар майдони

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ойбек Дўстмуҳаммедов, ХАБ “Трастбанк” филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти директори:



– Мазкур кўргазма биз учун ниҳоятда самарали кечди. Барча молия муассасалари қатори банкимиз ҳам ўзининг инновацион хизматларини тадбиркор ва аҳолига яқиндан таништирди. Бунда ўнлаб онлайн хизматларимиз кўпчилик эътиборини тортди.

Қолаверса, кўргазма доирасида бир неча йиллардан буён банкимиз билан ҳамкорлик қилиб келаётган энг фаол тадбиркорлар тақдирлангани мижозларимизни янада қувонтирди.

Шу билан бирга банкимиз Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки вакиллари, Ислох тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вако-

латхонаси вакиллари, Халқаро молия корпорацияси экспертлари ва тижорат банклари раҳбарлари иштирокидаги конференцияларда ҳам иштирок этиб, халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялари вакиллари билан музокаралар олиб борди.

“BankExpo-2019” миллий кўргазмасининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан барча иштирокчилар тегишли номинациялар бўйича тақдирланиб, “Трастбанк” хусусий ациядорлик банки “Фонд бозоридаги фаол иштироки учун” номинацияси ғолиби деб топилгани бизни янада қувонтирди.

Кўргазмада акциядорлик тижорат Халқ банки ўзининг банк хизматлари акс этган стендлари, тарқатма материаллари, буклет ва флаерлари, малакали мутахассислари билан фаол иштирок этди. Унда АТ Халқ банкининг ҳудудлардаги энг яхши саккиз нафар мижози банкнинг махсус ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирлангани барчага ўзгача кайфият улашди.



Беҳрўз Темиров,  
АТ Халқ банки Маркетинг бўлими бошлиғи:

– Банкимиз стендига кўплаб мижозлар, жумладан, ёш тадбиркорлар, олий таълим муассасалари талабалари, юртимиз аҳолиси ва меҳмонлари қизиқиш билдирди. Уларга банкнинг малакали мутахассислари томонидан маслаҳатлар, саволларига жавоблар берилиб, банк хизматлари ҳақидаги тарқатма материаллар улашилди. Эътиборлиси шундаки, банкимиз томонидан жорий этилаётган хизматларга

иштирокчиларнинг қизиқиши катта бўлди. Айниқса, банкда ҳисобрақам очиш, корпоратив “Мобил банкнинг” ҳамда “Интернет банкинг” хизматлари мутлақо бепул амалга оширилаётгани ҳамда Халқ банки мижозлари ҳафтасига етти кун ишталган пайтда ҳисобрақамдаги маблағларини филиал рўхсатисиз бошқа рақамга эркин тасарруф этишлари мумкин бўлгани барчага маъқул бўлди.

Тижорат банклари ичида ўз ўрнига эга бўлиб, мижозлар сонини ошириб бораётган банклардан бири бу – “Hi-Tech Bank” саналади. Мазкур банк ҳам кўргазма павильонида ўзининг инновацион банк хизматлари, технологиялари ва турли стендлари билан қатнашди.



Азиз Юлдошев, ХАТБ “Hi-Tech Bank” банк таваккалчиликлари менежменти бошқармаси етакчи мутахассиси:

Айни кунда банкимиз мижозларининг барча талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда янги хизмат турларини ташкил этапти. Омонатлар бўладими, кредит фоизлари бўладими, шу каби бошқа хизматларда ҳам ҳар бир мижознинг имкониятига қараб ёндашилмоқда. Шу билан бирга аҳолига янада қулайликлар яратиш учун янги VISA, VISA Classic, Visa Exchange каби тўлов карталари жорий этиляпти. Буларнинг барчасида тўловларни контактсиз амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари CashBack карталарини ҳам амалиётга жорий этап-

миз. Бу карталар банк мижозларига бир қатор имтиёзлар тақдим этади. Яъни карта эгаси биз билан ҳамкорликда бўлган савдо дўконларидан харидни амалга оширса, харид суммасининг 20 фоизи мижознинг ўзига қайтариб берилади.

Қолаверса, банкимиз томонидан тизимни рақамлаштириш жараёни фаол олиб борилмоқда. Бунинг учун халқаро тажрибаларга эга NETinfo компанияси билан шартнома имзоланиб, онлайн хизмат турларини кенгайтириш, автоматлаштириш, онлайн дастурларни кўпайтириш устида ишляяпмиз.

Қайд этиш жоизки, мазкур кўргазмада бошқа банклар қатори “Агробанк” ҳам мижозларга қулайлик яратиш мақсадида инновацион технологиялар, асбоб-ускуналар, яъни масофадан туриб онлайн тарзда амалга оширишни ўзида жамлаган қурилма, мобил иловалари билан фаол иштирок этди. Бир тарафда банк мутахассислари кўргазмага келган мижозлар, хусусан, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга банк хизматлари бўйича зарур маълумот ва маслаҳатлар берди, бошқа тарафда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига янги хизматлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.



Санобар Умарова,  
Агробанк АТБ матбуот хизмати ходими:

– Банкимиз ўн бир йилдирки, кўргазмада ўзининг турли хил банк маҳсулотлари билан иштирок этиб келяпти. Бу йил ҳам мижозлар учун кўплаб янгиликлар тайёрлаб, иштирокчиларга банкимизнинг интерактив хизмат турларини тақдим қилдик. Бу жараёнда кўпчилик “Agrobankmobile” иловасининг янгича турдаги замонавий кўриниши ҳамда “online kredit” бўлимидаги микроқарз олиш имконияти билан қизиқилди. Бу илова орқали мижозларимизда бир миллион сўмгача

кредит олиш имконияти бор. Бунинг учун банкка мурожаат қилиш шарт эмас, балки истаган вақтда мижозларга бир миллион сўмгача қарз берилади. Шунингдек, юридик шахслар ва фермер хўжаликлари “Agrobank-Mobil-Biznes” иловаси орқали онлайн тарзда масофадан туриб имтиёзли кредитларни ўзлаштириши ва зарур маълумотларни олишлари мумкин. Бунда фермерлар масофадан туриб бемалол банк ҳисобрақамларини назорат қилиши, кредит расмийлаштириши мумкин.



## “BankExpo-2019”: имкониятлар майдони

Маълумки, 2018 йил сўнггида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан янги бренд қабул қилинди. Бунда банк логотипи ўзгариши билан биргаликда бизнес жараёнлар, хизматлар сифати ва маҳсулот турларининг ҳам такомиллашувига эришилди.

Шубҳасиз, “BankExpo-2019” миллий кўргазмасида банк стенди мазкур янги бренд асосида ўзига хос замонавий услубда жиҳозланди. Стенд марказига банк хизмат ва маҳсулотлари ҳақида махсус ролик намойиш этиш учун LED монитор ўрнатилиб, “Кредит супермаркети” ташкил этилди. Кўргазма доирасида тадбирлар, акция, танлов ва тақдимотлар бўлиб ўтди. Шунингдек, Visa пластик картасини очиш учун аризалар қабул қилиниб, Visa Gold картаси бўйича ҳисобрақам очган мижозга 3 ой банкнинг депозит ячейкаларидан бепул фойдаланиш имконини берувчи сертификат тақдим этилди. Бундан ташқари кўргазма давомида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тузилмаларида ўз компанияси ҳисобрақамини очган мижозга банкдан тўлов терминаллари орқали йил давомида тушган тушумининг 25% миқдоридида кредит олиш имконини берувчи сертификат берилди.

### Сарвар Ниязов, Банки стратегик ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи:

– Кўргазма доирасида аҳоли ўртасида онлайн хизматларга талаб кучайиб бораётгани инobatга олиниб, мижозларга масофадан хизмат кўрсатишга мўлжалланган барча дастурлар ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилдик. Булар: “UzPSB Mobile”, “Шахсий кабинет”, “Корпоратив интернет банкинг”, “UzPSB Mobile Business”, “SMS Banking” каби янги инновацион хизматлардир. Шулар қаторидаги янгилегимиздан яна бири – жисмоний шахс мақомидаги мижозлар учун яратилган “UzPSB mobile” мобил иловасининг веб талқини – “Менинг банким” ишга туширилгани бўлса, банкнинг юридик шахс мақомидаги мижозлари учун “Корпоратив интернет-банкнинг” дастури орқали хорижий валютани онлайн буюртманома асосида сотиб олиш йўлга қўйилгани мижозлар учун яна бир қўлайлик бўлди. Айни кунда бундай хизматларни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.



### Фарход Иноятлов, Ипотека-банк АТИБ Кичик бизнес департаменти директори:

– Банкимиз ўзининг янги инновацион хизмат турлари билан иштирок этмоқда. Аҳолига ва тадбиркорларга барча хизматлар бўйича кенг маълумотлар тақдим этилмоқда. Жумладан, банкимизнинг амалиётга жорий этган электрон ариза юбориш, банкнинг мобил иловаси орқали тўловларни амалга ошириш, кредитларни тўлаш, онлайн конверсия амалиётлар йўлга қўйилган. Бундан ташқари мобил иловасида QR орқали тўлов тизими ҳам жорий этилган. Тадбиркор учун онлайн ҳисобрақам очиш тизимининг амалиётга киритилгани эса кўплаб қўлайлик яратмоқда.



2016 йил 14 ноябрда Фарғона шаҳрида ташкил этилган “Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки ёш банклардан ҳисобланса-да, шу кунга қадар худудларда 5 та филиали фаолият кўрсатиб, 3 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларга хизмат қилаётди. 2018 йилнинг сентябрь ойида банкнинг Тошкент филиали ўз фаолиятини бошлагани банк мижозлари сонини янада ошишига хизмат қилади.

– Банкимиз мижозлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, инновацион ёндашувларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Истеъмолчиларга ҳисобрақамларини масофадан бошқариш, хорижий валюталарни онлайн тартибда сотиб олиш, консалтинг хизматлари, онлайн маслаҳатлар олиш каби қатор хизматлар кўрсатилмоқда, – дейди банк менежери Жасурбек Турғунов. – Кўргазма давомида кўплаб тадбиркорлик субъектлари билан банкимизда уларга яратилаётган имконият ва хизматларимизни тақлиф этиб, икки томонлама шартномалар имзолашга эришдик.

2010 йилда ташкил этилган OrientFinancBank хусусий акциядорлик тижорат банки ҳам мамлакатимизда бунёдкорлик ва тадбиркорлик ривожланишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган банклардан.

– Жорий йилда банкимизда янги инновацион тех-

нологиялар қўлланила бошланди. Эндиликда мижозлар яқинда яратилган сайтимиз орқали онлайн тизимда ўзларини қизиқтирган саволлар ва хизматлар ҳақида маълумотга эга бўлиб, биз яқиндан алоқа ўрната оладилар, – дейди банк ходими Саидамир Фуломов.

Кўргазмада 2018 йилда Британиянинг нуфузли “The Banker” журналида йил банки деб эълон қилинган республикамиз “InFinBANK”и ҳам фаол қатнашди. Банк томонидан янги тузилган бизнес лойиҳалар кўргазма иштирокчиларига намойиш қилинди.

– Сўнгги 2 йил давомида банк фаолиятига кўпдан-кўп янги технологиялар жорий қилинмоқда. Мижозларга қўлайлик яратишда автоматлаштирилган банк хизматларини тақлиф қилияпмиз. Бунда у ёки бу хизматлар нархи арзонлашади, иш жараёни тезлашади, – дейди Маркетинг ва реклама департаменти директори Эльвира Гимадиева. – Автоматлаштирилган тизимда банк 600 минг мижозни бир тизимга тўллаган ҳолда тез ва сифатли хизмат қила олади.

Қисқасини айтганда, мазкур кўргазма барча тижорат банклари учун қўлланганидек самарали кечди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

### “Қишлоқ қурилиш банк” ўз мижозларини тақдирлади

**Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан мижози бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида республика кўрик-танлови ўтказилди.**

Танловни ташкил этишда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, ўз лойиҳаларини амалга ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш келаётган ва аҳоли даромадларини оширишга фалол ҳисса қўшаётган банк мижозларини эътироф этиш, илғор тадбиркорлар ютуқларини тарғиб қилиш асосий вази-фа сифатида белгиланди.

Пойтахтимизда ўтказилган “BANKEXPO-2019” – Молия-банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмаси доирасида мазкур кўрик-танловнинг ғолиблари 6 та номинация бўйича тақдирланди.



“Энг яхши инвестицион лойиҳа” номинациясида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган “Oloy gulzorservis” МЧЖ лойиҳаси тақдирланди. Мазкур корхона крахмал, фруктоза ва патока ишлаб чиқаради ва Марказий Осиёдаги ноёб корхоналардан бири ҳисобланади.

“Энг яхши инновацион лойиҳа” номинацияси бўйича “Stimul Print” МЧЖ лойиҳаси ғолиб бўлди. Мазкур корхона янги турдаги реклама хизматларини кўрсатади ва банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали мижози ҳисобланади.

“Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа” номинацияси бўйича ғолиблик банкнинг Яқкабоғ филиали мижози бўлган “Бону чевар” хусусий корхонасига насиб этди. Мазкур корхона ҳар хил турдаги пишириқлар ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Фарғона вилоятидаги “Тошлоқ Муҳаммадмирзо Файз” деҳқон хўжалиги раҳбари Шаҳзода Маматова “Энг яхши тадбиркор аёл” номинацияси ғолиби бўлди. 58 ёшни қаршилаган опанинг ғайрат-шижоати кўпларга ўрнак бўлгудек. Шаҳзода опа чорвачилик ва иссиқхона фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.


“Намунали оилавий тадбиркор” номинациясида ғолиб деб сирдарёлик Хусниддин Нуриддинов топилди. У ўз оила аъзолари билан беданчиликни ривожлантириб келмоқда. Шу орқали оилавий даромадлар ошиши таъминланмоқда.

“Узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда амалга оширилган энг яхши лойиҳа” номинациясида банкнинг Янгиобод филиали мижози “Салоҳиддин Муҳаммадризо” корхонаси лойиҳаси ғолиб бўлди. Мазкур корхона томонидан қишлоқ худудидида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва шу орқали ёшлар бандлиги таъминланган.

Ғолиблар банк томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



## Муаммоли кредитлар 65 млрд. сўм



2019 йил I чорак якуни бўйича жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми 26,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 82 фоизга ва жорий йил бошига нисбатан 9 фоизга ўсди. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар 65 млрд. сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг ўтган даврида 38 млрд. сўмга ёки 1,4 мартага ошди.

Қайд этиш лозимки, ҳисобот санасига жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда муаммоли кредитлар улуши паст даражада бўлиб, улар 0,2 фоизни ташкил этди.

cbu.uz

## Фаровонликка хизмат қилаётган сармоялар



Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Уларнинг банклар томонидан кенг қўллаб-қувватланиши эса тадбиркорлар сони тобора ортишига омил бўлаётир.

АТ "Халқ банки" Фарғона вилояти Бувайда филиали жамоаси миқдорларга узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, замонавий банк ва интерактив хизматлар турларини тақдим этиб келмоқда. Маълумотларга кўра, филиал томонидан жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, тадбиркорлик соҳаси ривожини учун 1200,0 млн. сўм миқдориде кредитлар ажратилган. Қолаверса, филиал янги иш ўринларини ташкил этиб ва кўплаб бунёдкорлик лойиҳаларини молиялаштириб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, Фарғона вилоятининг Бувайда туманига қарашли Ойдинкўл қишлоғи туман марказидан анча олисда жойлашган. Шу кунга қадар бу ерда аҳоли учун тўй маросимлари ўтказилмаган бирор йирик ишоот мавжуд эмас эди. Қишлоқ аҳли тўй-тантана қилиш учун

ё туман марказига ёки яқин қишлоқларга бориб сарсон бўлаётган эди. Эндиликда бу ерда банк кредити ҳамда тадбиркорнинг ўз маблағи эвазига замонавий тантаналар саройи бунёд этилмоқда. Унинг шу кунларда ишга тушиши қишлоқ аҳлига катта қувонч ва шодлик келтирди. Энди ойдинкўлликлар бахт шодиёналарини ўз саройларида кўтаринки руҳда ўтказадиган бўлдилар.

– Биз "Халқ банки" Бувайда филиалининг молиявий кўмагидан беҳад миннатдоримиз, – дейди "Гулнозабегим Файз" оилавий корхонаси раҳбари Абдуманнон Файзуллаев. – Чунки тантаналар саройини жиҳозлаш учун банк филиалидан 300,0 млн. сўм миқдориде кредит маблағи ажратилди. Бу эса тўйхонамиз тез кунларда ишга тушиши таъминлади.

Ҳамдам АМИНОВ

(МУЛОҲАЗА УЧУН

## Экспортни ошириш мумкин бироқ...

Бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш осон иш эмас. Унинг ўзига яраша мушкуллиги-ю югур-югурлари бор. Бино қуришдан тортиб, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминлаш, ўрнатиш, ишга туширишгача бўлган жараён кишини яхшигина тер тўкишига сабаб бўлади. Бу босқичлар ўтгандан сўнг эса яна бир масала кўндаланг туради. У ҳам бўлса, яхши кадрлар, ишчилар топиш муаммосидир.

Айримлар "Иш излаб юрганлар кўп. Пулини берса юзлаб топилади. Шу ҳам муаммоми?!", дейиши мумкин. Аммо Тошкент тумани Қизғалдоқ фуқаролар йиғинида фаолият юритувчи "САМАРА ЛЮКС ТЕКСТИЛЬ" корхонаси мутасаддиларининг фикрлари бу борада биров бошқача. Чунки улар 3-4 ойдан буён ишчи-ходим излаб бормаган жойи, мурожаат қилмаган ташкилоти қолмади. Эълон беришнинг барча йўлларидан фойдаланиб, Тошкент вилояти-ю, пойтахтнинг турли аҳоли гавжум жойларига эълон ёпиштиришдан зериккишди. Негадир бу ҳам етарлик самара бермапти. Чунки корхонага 250 дан ортиқ ишчи керак бўлса, 4-5 ой мобайнида бор йўғи 80 кишигина ишга келди.

Аслида корхона 2015 йилдан бундан Германия технологияси асосида хом мато ишлаб чиқариб келаётган. Ишлар ҳам, даромад ҳам яхши бўлганидан кейин корхона мутасаддилари ўз фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилди. Бунинг учун АТБ Микрокредитбанкдан хорижий линия ва банк ҳисобидан 960 минг доллар миқдориде кредит олиб, Туркия ва Кореядан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча замонавий технологияларни келтириб ўрнатди. Натижада кичик мато тўқиш цехи йирик замонавий енгилсаноат корхонасига айланди.

Айни дамда корхонада 80 нафар тикувчи болалар ва аёллар учун турли кийим-кечаклар тикишмоқда. Уларнинг 200 минг АҚШ долларилек тайёр маҳсулотлари қисқа фурсатда экспорт ҳам қилинди. Корхона йил охиригача яна бир млн. долларлик маҳсулот экспорт қилишни мўлжалламоқда. Аммо бу режа урдаланишига корхона мутасаддилари биров ишонқирамай турибди. Нега дейсизми?!



– Маҳсулотларимиз маҳаллий хомашедан сифатли бўлгани боис, харидорлар тезда топилди. Ҳозирда Россиядан буюртмалар келмоқда, – дейди корхона менежери туркиялик мутахассис Иброҳим Эмин. – Аммо ишчи кучи етишмаслиги сабаб уларни ўз вақтида етказишга улгурмаяпмиз. Бу ишимизни орқага суриб, турли харажатларнинг ортишига сабаб бўлаётир. Мисол учун, буюртмаларимизни вилоятлардаги кичик цехларга беришга мажбурмиз. Уларга хомашё етказиш, тайёр маҳсулотларни яна қайта корхонага келтириш каби ишларга яхшигина ха-



ражат қилинмоқда. Агар корхонамизга яна кўшимча 150-170 нафар ишчи олганимизда ўша харажатлар ёнимизга қолиб, экспортимиз ҳам, даромадимиз ҳам ошган бўларди.

Мутахассиснинг айтишича, корхона маҳсулотларига Европанинг бир қатор компанияларидан қизиқишлар билдирилган. Аммо корхона бу борадаги ишларни тўхтатиб туришга мажбур.

Шу ўринда бир савол туғилади. Нега ишчиларни жалб қилиш қийин кечаяпти? Маош камлигиданми ё бошқа сабаб бормикан?

Айни кунда корхонада ишчилар учун алоҳида транспорт ажратилган, тушлик ҳам доим тайёрланади. Бироқ ходимларнинг маоши эса 700 минг сўмдан бир ярим миллион сўмгача экан. Албатта, айни кунда 700 минг сўмга бирор кишини ишга ёллаш қийин масала.

– Тўғри, маошимиз биров пастроқ. Ишимизни яқинда бошлаганимиз босис, имкониятимиз шунга етиб турибди. Агар буюртмалар шу кетишда бўлса, тез фурсатда ўзимизни ўнглаб, маошларни ҳам оширишга ҳаракат қиламиз, – дейди мутахассис. – Лекин бу ерда бир масала бор. Яъни иш унуми деган омил бор. Агар ишчи 300 минг сўмлик иш қилиб, 2-3 млн. маош талаб қилса, қандай қилиб айтган пулини бераман. Унда корхона таназзулга учрайди-ку. Қачонки, иш унуми ошса корхона ривожланиб, даромад ҳам ошади. Лекин бунинг кўпчилиги ишга келган тушунмаяпти. Улар учун фақат ойлик маошининг миқдори муҳим. Иш унуми эса қизиқтирмайди. Агар айни кунда ҳам ўз ишининг устаси бўлган бирор мутахассис келса, унга айтган маошини беришга розимиз. Аммо бундай кадрларнинг ўзи йўқ.

Туркиялик мутахассиснинг айтишича, гап фақат пулга боғлиқ эмас экан. Аксарият ёшлар енгил иш пайида. Чунки биров масъулиятли ёки қийинроқ юмуш бўлса, жонларини қийнамай жуфтаникни ростлашни ўзига эп билишмоқда. Бу масалада ота-оналар ҳам уларнинг ёнини олиши ажабланарли, дейди у. Чунки туркиялик ота-оналар фарзандини қаттиқ меҳнат қилишга, ўзини ўзи эплашга ўргатади. Ўзбекистонда эса ота-оналар фарзандига балиқ тутишни эмас, фақат ейишни ўргатадилар. Болағатга етиб оилали бўлса ҳам ота-оналар уларга ғамхўрлик қилишдан тўхтамайди. Бу эса ёшларни осон ҳаётга ўргатиб қўймоқда.

Бу фикр сиз нима дейсиз?

Бобур МУҲАММАДИЕВ





### “DAVR-BANK” хусусий акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2017 йил 21 октябрдаги 71-сонли лицензияси.

Юридик манзили: 100021, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани А.Навоий-Зарқайнар кўчаси, Блок "А".

#### МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ, 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

|  | 2018 йил           | 2017 йил           |
|--|--------------------|--------------------|
| <b>Активлари</b>                             |                    |                    |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари    | 165 034 718        | 189 064 965        |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар            | 47 947 266         | 70 084 508         |
| ЎзР Марказий банкидаги мажбурий захиралар    | 18 297 570         | 33 836 921         |
| Мижозларга берилган кредитлар                | 610 764 492        | 317 309 460        |
| Асосий воситалар                             | 11 490 235         | 10 234 303         |
| Номоддий активлар                            | 2 059 436          | 789 273            |
| Фойда солиғи бўйича жорий активлар           | 48 958             | 1 300 669          |
| Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар   | -                  | 482 098            |
| Бошқа активлар                               | 6 778 166          | 3 071 659          |
| <b>Жами активлар</b>                         | <b>862 420 842</b> | <b>626 173 856</b> |
| <b>Мажбуриятлари</b>                         |                    |                    |
| ЎзР Марказий банкининг тўлов маблағлари      | 10 043 412         | 24 608 322         |
| Кредит муассасаларидаги маблағлари           | 41 496 058         | 28 093 656         |
| Мижозлар маблағлари                          | 596 312 170        | 437 885 453        |
| Муомалага чиқарилган қарз қимматли қроғозлар | -                  | 2 319 957          |
| <b>Бошқа қарз маблағлари</b>                 | <b>86 371 142</b>  | <b>38 623 185</b>  |
| Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар   | 417 831            | -                  |
| Бошқа мажбуриятлар                           | 4 463 987          | 3 994 452          |
| <b>Жами мажбуриятлар</b>                     | <b>739 104 601</b> | <b>535 525 025</b> |
| <b>Хусусий капитал</b>                       |                    |                    |
| Акциядорлик капитали                         | 100 000 000        | 40 000 000         |
| Қўшимча капитал                              | 266 448            | 266 448            |
| Тақсимланмаган фойда                         | 23 049 794         | 50 382 383         |
| <b>Жами хусусий капитал</b>                  | <b>123 316 242</b> | <b>90 648 831</b>  |
| <b>Жами хусусий капитал ва мажбурият</b>     | <b>862 420 842</b> | <b>626 173 856</b> |

#### Фойда ва зарар ҳамда умумий даромад тўғрисидаги ҳисобот

2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

|   | 2018 йил            | 2017 йил            |
|---|---------------------|---------------------|
| Фоишли даромадлар   | 100 767 236         | 51 754 408          |
| Фоишли харажатлар   | (27 438 111)        | (12 858 583)        |
| <b>Соф фоишли даромадлар</b>  | <b>73 329 124</b>   | <b>38 895 825</b>   |
| Кредитлар бўйича (шакллантирилган)/ қайтарилган захиралар   | (6 188 897)         | (895 000)           |
| Кредитлар бўйича (шакллантирилган)/ қайтарилган захирадан кейинги соф фоишли даромад                  | 72 710 228          | 38 000 825          |
| Воситачилик даромадлари   | 43 159 984          | 31 950 831          |
| Воситачилик харажатлари   | (10 564 015)        | (6 225 818)         |
| Хорижий валюта операцияларидан олинган соф даромадлар (харажатлар)                                    | 2 805 504           | 20 434 490          |
| Дивидент шаклидаги даромад  | 16 398              | -                   |
| Бошқа даромадлар  | 805 314             | 953 353             |
| <b>Фоишсиз даромадлар</b>   | <b>36 223 185</b>   | <b>47 112 856</b>   |
| Ходимлар учун харажатлар  | (34 084 504)        | (30 447 916)        |
| Амортизация   | (3 140 525)         | (2 233 814)         |
| Бошқа операция харажатлар   | (18 856 182)        | (11 343 159)        |
| Боқоланмиш мажбуриятларнинг қадросизланиши ва ташкил этилиши(тикланиши)дан бошқа даромадлар(зарарлар) | (11 433)            | -                   |
| <b>Фоишсиз харажатлар</b>   | <b>(56 092 643)</b> | <b>(44 024 889)</b> |
| Фойда солиғи бўйича харажатларгача бўлган даромад   | 52 840 769          | 41 088 792          |
| Фойда солиғи харажатлари  | (13 213 633)        | (5 449 843)         |
| <b>Йиллик соф фойда</b>   | <b>39 627 136</b>   | <b>35 588 949</b>   |
| <b>Кирувчи:</b>   |                     |                     |
| - Банк акциядорларига   | 39 627 136          | 35 588 949          |
| - назоратсиз ҳаракат(иштирок) ҳиссасига   | -                   | -                   |

#### Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

|  | Устав капитали | Қўшимча капитал | Тақсимланмаган фойда | Жами              |
|--|----------------|-----------------|----------------------|-------------------|
| 2017 йил 1 январга   | 40 000 000     | 266 448         | 18 793 434           | 59 059 882        |
| Йиллик фойда   | -              | -               | 35 588 949           | 35 588 949        |
| <b>Йиллик умумий даромад</b>   | -              | -               | <b>35 588 949</b>    | <b>35 588 949</b> |
| Банк акциядорларининг дивидентлари   | -              | -               | (4 000 000)          | (4 000 000)       |
| 2017 йил 31 декабрга   | 40 000 000     | 266 448         | 50 382 383           | 90 648 831        |
| МСФО(IFRS) 9 қўлланишининг таъсири   | -              | -               | (5 059 724)          | (5 059 724)       |
| 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига МСФО(IFRS) 9га мувофиқ қайта ҳисобланган қолдиқ | 40 000 000     | 266 448         | 45 322 659           | 85 589 107        |
| Йиллик соф фойда   | -              | -               | 39 627 136           | 39 627 136        |
| <b>Йиллик умумий даромад</b>   | -              | -               | <b>39 627 136</b>    | <b>39 627 136</b> |
| Акциядорлик капиталининг ўсиши   | 60 000 000     | -               | -                    | 60 000 000        |
| Банк акциядорларининг дивидентлари   | -              | -               | (61 900 000)         | (61 900 000)      |
| 2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ  | 100 000 000    | 266 448         | 23 049 795           | 123 316 242       |

Молиявий ҳисобот "Ernst & Young" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги АФ 00628-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари амалдаги Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёirlанган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисобот ҳаққонийлиги юзасидан аудиторлик хулосасида акс эттирилган.

Хизматлар лицензияланган.

|   | 2018 йил            | 2017 йил           |
|---|---------------------|--------------------|
| <b>Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати</b>   |                     |                    |
| Олинган фоишлар   | 95 849 401          | 49 993 348         |
| Тўланган фоишлар  | (27 332 532)        | (11 872 278)       |
| Олинган воситачилик ҳақлари   | 43 000 171          | 31 881 310         |
| Тўланган воситачилик ҳақлари  | (10 542 650)        | (6 217 706)        |
| Чет эл валюта ва валюта ҳосила инструментлари билан операциялар бўйича зарарларни чегаралаган ҳолда реализация қилинган фойда | 2 268 505           | 1 325 874          |
| Олинган бошқа даромадлар  | 1 837 756           | 4 259 781          |
| Ходимлар учун сарфланган харажатлар   | (34 468 406)        | (29 239 699)       |
| Бошқа тўланган операция харажатлар  | (23 817 049)        | (10 584 448)       |
| <b>Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати</b>          | <b>46 795 196</b>   | <b>29 546 182</b>  |
| <b>Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/ камайиши</b>  |                     |                    |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар   | 21 871 095          | (58 469 801)       |
| ЎзР Марказий банкидаги мажбурий захиралар   | 15 539 351          | (2 731 610)        |
| Мижозларга берилган кредитлар   | (288 812 043)       | (105 513 790)      |
| Бошқа активлар  | 2 473 957           | (5 052 309)        |
| Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши)/ камайиши   | -                   | -                  |
| ЎзР Марказий банки олдидаги қарз  | (14 024 401)        | 23 974 401         |
| Кредит муассасаларининг маблағлари  | 12 725 761          | 13 502 819         |
| Мижозлар маблағлари   | 158 404 416         | 180 104 337        |
| Бошқа мажбуриятлар  | (661 215)           | 4 981 289          |
| <b>Даромад солиғи тўлангунга қадар операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағларининг ҳаракати</b>                           | <b>(45 687 882)</b> | <b>80 341 518</b>  |
| Тўланган фойда солиғи   | (19 689 399)        | (6 678 770)        |
| <b>Операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари тушуми (харажати)</b>  | <b>(65 377 281)</b> | <b>73 662 748</b>  |
| <b>Инвестицион фаолиятдаги пул оқимлари</b>   |                     |                    |
| Асосий воситаларни харид қилиш  | (5 015 551)         | (5 517 081)        |
| Асосий восита реализациясидан тушумлар  | 344 734             | 61 090             |
| <b>Инвестицион фаолият бўйича олинган соф пул маблағлари тушуми (харажати)</b>  | <b>(4 670 817)</b>  | <b>(5 455 991)</b> |
| <b>Молиявий фаолият бўйича пул оқимлари</b>   |                     |                    |
| Чиқарилган қарз қимматли қроғозлардан тушган тушум  | -                   | 1 950 000          |
| Қарз қимматли қроғозларнинг сўндирилиши   | (2 319 957)         | (3 800 000)        |
| Бошқа қарз маблағларини жалб қилишдан тушумлар  | 47 800 810          | 38 570 332         |
| Банк акциядорларига тўланган дивидентлар  | -                   | (4 000 000)        |
| <b>Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари тушуми (харажати)</b>   | <b>45 480 853</b>   | <b>32 720 332</b>  |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига валюта айирбошлаш курсларидаги ўзгаришларнинг таъсири                             | 536 999             | 14 642 009         |
| <b>Пул маблағлари ва уларнинг эквивалент соф кўпайиши (камайиши)</b>  | <b>(24 030 246)</b> | <b>115 569 098</b> |
| <b>Ҳисобот йили бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари</b>  | <b>189 064 965</b>  | <b>73 495 867</b>  |
| <b>Ҳисобот йили охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари</b>   | <b>165 034 718</b>  | <b>189 064 965</b> |



ТАНЛОВГА

Искандар  
ЗАРИПОВ

Искандар Зарипов 1996 йилда Тошкент Давлат техника университетини тугатган. Ҳозирда "Orient Finans Bank" хусусий акциядорлик тижорат банкида (Рақамлаштириш, тўлов тизимлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш департаменти Рақамли технологиялар бошқармаси Бизнес жараёнлар таҳлили ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш) бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.



## Бир жуфт нон

Отлар эканман хизматга, онам Келтириб тишлатди юмшоқ бир жуфт нон. Деди-ки: "Қайларда, ўғлим, юрсанг ҳам Аллоҳим асрасин сени соғ-омон".

Нонларни эъзозлаб онажонгинам Авайлаб кўйдилар уйнинг тўрига, Бу нонлар таъмини ёддан чиқармам, Тишлатгандир кўшиб меҳр кўрига.

Уйимиз тўрида турар бир жуфт нон, Иккисин четида тишим изи бор, Онагинам меҳри кўшилган нон, Такрор-такрор тортар мени уйимга.

## Йиғладим...

Тўйингда сен томон термилиб узок, Хаёлда сочингни силаб йиғладим. Сен мени бахтимдан қилсанг-да жудо, Мен сенинг бахтингни тилаб йиғладим.

Мен томон сўнги бор боқшинг кутиб, Умидим армонга ўраб йиғладим, Айрилиқ азоби жонимдан ўтиб, Аллоҳдан мен сабот сўраб йиғладим.

Алвидо, кетарман, бағрим тўла тош, Юрагим ўтларга ёқиб йиғладим. Йиғладим кўзимдан чиқмай қатра ёш, Кўзёшим ичимга оқиб йиғладим.

## Бошқасига...

Сенга бўлган муҳаббатим чеки бўлмас, Сени дегум қолгунча сўнги нафас, Сен-чи, афсус, кўнги бердинг менга эмас, Бошқасига, бошқасига, бошқасига.

Сенга узган гулларим ҳам қолди сўлиб, Не ҳам кўрдим сенга, жоним, ошиқ бўлиб... Тушимда ҳам менга эмас, боқдинг кулиб Бошқасига, бошқасига, бошқасига.

Не қиларим билмай тунлар ўйланаман, Энди мен ҳам бевафога айланаман, Не чора деб, сандан кечиб, ўйланаман Бошқасига, бошқасига, бошқасига.

## Ёдгорим, алла...

Бешикдаги ширин кўчқорим, алла, Кўзи чўлпон, юзи анорим, алла, Сен ўзингсан йўғу ҳам борим, алла, Севгилимдан қолган ёдгорим, алла.

Сени менга ташлаб кетди гулюзим, Энди алла айтай сенга мен ўзим, Отанг алласига ухлайқол, кўзим, Шум ажал сўлдирди гулзорим, алла.

Тўйиб-тўйиб ўпай сени, дўмбоғим, Кўзим нури, эркам, икки қароғим, Энди, ўғлим, фақат сен овунчоғим, Йигитлар ичинда сардорим, алла.

Ухлайқол, полвоним, кўзларингни юм, Жонингга жонимни мен пайванд қилгум, Сен менинг қанотим, ёшлигим, кулгум, Сен ўзинг қувончим, баҳорим, алла.

Ўсгин, ширинтойим, кўрмай ҳеч завол, Улғайин бағримда, топгин бахт, камол, Ҳозир эса ухлаб оромингни ол, Катта бўлсанг белда мадорим, алла

Сен кулсанг, олам ҳам сен билан кулсин, Юрагим қувончу нурларга тўлсин, Онангнинг руҳи ҳам хотиржам бўлсин, Севгилимдан қолган ёдгорим, алла.



## Уйқу ...

Уйқу, кўзларимга инақол тезроқ, Тушимда ёримни кўрмоқ истайман, Висол гаштин бирга сурмоқ истайман, Уйқу, кўзларимга инақол тезроқ.

Уйқусиз тунларим толдирди мани, Ўкинчи азобда қолдирди мани, Ёримнинг соғинчи сўлдирди мани, Уйқу, кўзларимга инақол тезроқ.

Жон деганим "жоним" демади бир бор, Энди бахтим менга боқмоғи душвор, Яна неча тунни ўтказгум бедор, Уйқу, кўзларимга инақол тезроқ.

Севгилим севмаса, нетайин энди, Армонларим ҳамроҳ этайин энди, Абадий уйқуга кетайин энди, Уйқу, кўзларимга инақол тезроқ...

## Нурқашқа

(ҲИКОЯ)

От – йигитга йўлдош, сафарда ҳамроҳ бўлади, деб Усмонқул чўпон неварасига тойчоқ олиб берди. Нева-раси тойчоққа, тойчоқ неварасига тез ўрганди. Ойларни қувиб йиллар ўтди. Нева-раси Лочин чавандоз, тулпор Нурқашқа бўлиб, элга танилди. От номига мос эди. Пешонасидаги оқ қашқаси нурдай порларди, ўзи нур тезлигидай чопқир эди.

Тулпор Лочиндан зўр бўлди. Лочин отидан-да зўр бўлди. Улоқ-кўпқарилардан совринсиз қайтмади. Элда ким зўр деса, бири: Лочин зўр деди. Яна бири: Нурқашқасиз Лочин чавандоз ким бўлди, деди. Эл кўрганини айтди. Билганини айтди. Назаридан ўтказганини айтди.

...Нурқашқа шамол шиддатига басма-бас чопди. Пишқириб-пишқириб югурди. Унинг дупиридан адирлар ларзага келди.

Тулпорнинг қулоқлари орасидан шамол беҳишт шабадаси бўлиб эсди. Бундан Лочин чавандознинг завқи янада ошди. Қамчини баланд кўтарди. Кўтарди-ю оҳиста от сағрисига босди. От йигитни, йигит отни сўзсиз тушунди.

Кузақда катта улоқ-кўпқари бўлди. Ҳар галги улоқ-кўпқарида бўладиган бақир-чақир – оломон хитоби... Аммо уни Турди баковулнинг овози босди. – Ў, биродорлар, тўйдан совринсиз қайтмайман десангиз, ҳалол курашинг. Кўпқари мардлар ўйини. Ҳалолликка нима етсин? Улоқни тўдадан олиб мана бу ўрага олиб келиб ташлаганинг соврини ҳалол...

Кўпқари бошланди... Алллар отларини ниқтаб, тўданинг ичига кирди. "Ҳай-хай"лаб отига қамчи босди. Кимнинг оти зўр бўлди. Тўдани ёриб улоққача масофани босиб, эгасига имкон берди. Аммо чавандози ёр бўлди. Қанчадан-қанча имкониятларни кўлдан бой берди. Даврадан Лочин чавандоз улоқни бир неча марта олиб чиқди.

Баш соврин учун баҳс кетди. Лочин чавандоз Нурқашқани тўдага олиб кирди. Унинг олдини отлар галаси тўсди. Отнинг қони қизиди, жунбушга келди. Жонивор жон-жаҳди билан тўдани ёриб кирди.



Шиддатидан отлар чекинди. Шунда Лочин полвон улоқни энгашиб олди, "хою-хай", дея наъра тортди. Тулпор олдинга интилди. Улоқни тўдадан айриб чиқди.

Нурқашқа отлар тўдасини ёриб, олдинга қараб илдамлади. Нурқашқа шундай чопдики, худди қанот қақариб кўкда парвоз этаётгандай эди. Юскак-юскаларга учиб кетаётгандай эди...

– ...Улоқ Нурқашқада кетди! – баковулнинг ҳайқириғи янгради.

Аммо олдинда катта жар бор эди. Баҳс қизиғида уни чавандоз ҳам, тулпори ҳам илғамай қолди. Жонивор ўзини базур тўхтатди. Лочин полвон отилди. Ер саратон офтобидан темирдай-тобланганди. Полвон ҳушини йўқотди. Оломон уни ўраб олди. Ҳалағовур кучайди...

– Лочин чавандозга нима бўлди?..

– Полвонга кўз тегди, – деди Турди баковул.

Жонивор хўжасига маънос термиларди. Ерни туёқлари билан депсиниб-депсиниб пишқирибди. Отнинг кўзлари ёш эди... Ҳа, от йиғларди.

Бироздан сўнг ўзига келган полвон энг аввал отини қидирди. Кўзи унга тушди-ю, хотиржам тортди. Аста ўрнидан туриб, бошини силади. Шунда унинг кўзларидаги ёшга нигоҳи тушди. Чопонинг бари билан уни артар экан, оломондан кўзини яширишга ҳаракат қилди. Унинг кўзига ҳам ёш қалққан эди...

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСТЎЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

ЎЗА

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,

23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank\_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи "Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ Газета тахририятнинг техник ускуналаридан саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиғи билан "Банк ахборотномаси" да зълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўлөзмалар тақрир қилинмайди ва қайтарилимайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кунини чиқари.

Буюртма № г 403

Адади 2073 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 17.04.2019 й.,

1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.